

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2018  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**А.ЗИЯЕВ**

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши ..... 72

**Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ**

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

**Н.АЛИБОЕВА**

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши ..... 80

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

**А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ**

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

**Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ**

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

**Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ**

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари ..... 96

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида ..... 100

**А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ**

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида ..... 102

**Р.УМУРЗАКОВ**

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит ..... 104

**М.САИДАКБАРОВА**

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ..... 106

**Ф.ОРИПЖОНОВА**

Фарида Афрўз лирикаси ..... 109

**Д.ХОДЖИМЕТОВА**

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

**Л.СИНДОРОВ**

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида ..... 113

**У.УМУРЗАКОВА**

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ**

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

**М.БАҲРОМОВА**

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги ..... 121

**Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА**

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

---

**АДАБИЙ ТАҚВИМ**

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев ..... 127

## МАДАНИЯТНИНГ ЭСТЕТИК ПОТЕНЦИАЛИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

М.Бахромова

**Аннотация**

Мақолада маданиятнинг эстетик потенциали, эстетик ғоялар ва бадиий образлари, уларнинг амалий ва ижодий йўналишининг мазмуни, мукамал ва яхлит шаклланишидаги аҳамиятини белгилаш ва ранг-баранглиги натижаси, эстетик ғоя ва бадиий образ яратилиши, маданият соҳасида ўрин эгаллашида нисбий мустақиллик эканлиги кўрсатиб ўтилган.

**Аннотация**

В данной статье раскрываются вопросы эстетического потенциала культуры, в ней также уделено особое внимание эстетической деятельности, являющейся основой эстетических открытий, способствующих развитию эстетического потенциала культуры.

**Annotation**

In the given article the questions of aesthetic potential of culture are studied and special attention is paid to aesthetic activity which is the base of aesthetic investigation that helps to widen the aesthetic potential of culture.

**Таянч сўз ва иборалар:** эстетик потенциал, эстетик фаолият, эстетик ғоя, бадиий образ, эстетик муносабатлар, маданиятда потенциал суръатнинг ортиши.

**Ключевые слова и выражения:** эстетический потенциал, эстетическая деятельность, эстетическая идея, художественный образ, эстетические отношения, рост темпов потенциала в культуре.

**Keywords and expressions:** aesthetic potential, aesthetic activity, historical and social aesthetic idea, creation process.

Жамиятда эстетик фаолиятнинг ўрнини таҳлил қилиш маданият таянадиган имкониятларни тавсифлашни тақозо қилади. Эстетик фаолият унутилмас маданий кадриятларни эътироф қилади.

Маданият тарихи шундан далолат берадики, бундай механизм нафақат ортиқча, балки маданий фаолият таркибидан қонуний ўрин олиши лозим. Бу, шунинг учун зарурки, инсон фаолиятини айни шу туфайли такомиллаштиришга интилувчи бадиий тил бойлиги, бадиий шакллар кенглиги, эстетик ғоя ва меъёрлар ранг-баранглигини чуқур ҳис этамиз. Нечоғли эстетик фаолият кўлами кенг бўлса, инсоннинг бадиий диди, баҳолаш қобилияти ва фаолиятининг сифат даражаси ҳам шунча юксак бўлади.

Маданиятнинг эстетик потенциали – бу, эстетик ғоялар ва бадиий образлар, уларнинг амалий ва ижодий йўналишининг мазмунан тўлақонлиги, уларнинг мукамал ва яхлит шаклланишининг аҳамиятини белгилаш ва ранг-баранглигининг натижасидир. Бинобарин, буларнинг барчаси шахс фаолиятини мукамаллаштиришга йўналтирилгандир.

Маданият олами эстетик мақсадларни назарда тутувчи фаолият – бу, янги ғоялар ва образларни доимий топишга бўлган интилишдир, уларнинг аксарияти ўткинчи, бошқалари ўнлаб йиллар амал қилади ва фақат баъзи бирларигина

асрлар давомида яшаб келади. Маданият хазинасидан жой олган ғоя маданият тараққиётига, маданиятнинг субъекти – шахсга таъсир кўрсатади. “Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканлиги, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ» [1].

Ўзаро таъсир ва алоҳидалик маданиятда ворисийлик ва эвристик жиҳатлар диалектикаси, унинг амалга ошмайдиган имкониятлари маданий жараённинг асосий мазмунини ташкил қилади: маданият ўз-ўзини англаб ва тушуниб етиши асосидагина яшаб туради. Маданиятнинг қачонлардир яратилган асарларига, вужудга келган кадриятларга мурожаат этиб туришлик доимийдир. “Пабло Пикассонинг “Герника” асари инсониятга уруш – даҳшатли фожа, тинчлик – эзгу неъмат эканлигини уқтира билган. Шунинг учун ҳам у то ҳануз дунё афкор оммасининг эътирофига сазовор бўлиб, эътибор қозониб келмоқда. Санъат – эзгулик элчисидир [2.19]. Авваламбор, у янги авлод маданияти хазинасига кирган эстетик ғоя ва бадиий образларни сақлаб қолади, маданият ўтмиш ютуқларини чуқур англагани ҳолда унинг онгини, тафаккур ва турмуш тарзини

М.Бахромова – ФарДУ рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

шаклантиради. Ниҳоят, ўтмишнинг эстетик ғоялари ва образларига қайта муурожаат қилиш уларнинг эвристик ва гуманистик мазмунини янгилайди, янги мазмун билан бойитади, ёддан кўтарилган айрим қадриятларга эътиборни қаратади, ҳолбуки улар янги шароитда янги ижтимоий ва қадриятли аҳамият ва маъно касб этиши мумкин. Бу ерда маданиятнинг интеллектуал, эстетик ва ахлоқий потенциали кўзга ташланадиган бу хусусият ижтимоий тараққиётнинг турли жиҳатлари, шу жумладан, илмий, бадиий ва ахлоқий томонлари билан боғлиқ ҳолда санъатнинг ахлоқий проблематикасида кўзга ташланади. Санъат тараққиётида кўпга омиллари, жумладан, бадиий адабиёт, тасвирий санъат, бадиий ижодкорлик кабиларнинг ўзаро таъсири натижасида эстетик ғоялар ва бадиий образлар маданий қадриятлар даражасига кўтарилади. Уларнинг мазмунан чуқурлиги, кенг кўламлиги, гуманистик характери ва кўп қирралиги, шакл ёрқинлиги ва ҳаётийлиги - инсон ақлий-ижодий қобилиятининг маданият оламига табиий кириб бориши учун имкониятлар яратади. *Санъат олам ва одам орасидаги муносабатларни улуғликка кўтаради. “Санъаткор худди қушлар каби куйлайди ва бу қушқни тил билан изоҳлаб бериш мушкул” (Пабло Пикассо) [2.16].* Ҳар қандай эстетик ғоя ва бадиий образ яратилиш жараёнида, маданият соҳасидан ўрин олишида нисбий мустақилдир. Улардан ўзи эстетик параметрлари билан долзарб ва мукамал ўрин эгаллайди. Эстетик кашфиётларнинг элементи сифатида аҳамият касб этади.

Эстетик фаолият мазмунан, шаклан ва моҳиятан ижодий жараён дур. У ёки бу санъаткорнинг эртага маданиятга нимани олиб кириши, қандай асари санъатни ривожлантириши, унинг қандай ижодий уфқларни кашф этишини олдиндан айтиш қийиндир. *“Яратилаётган асарлар, фильм ва спектакллар, кўргазма ва концерт дастурларига принципиал ва малакали баҳо бериш, матбуотда холис ва ҳаққоний рецензиялар, хулосалар билдириш тобора камёб ҳодисага айланиб бормоқда.*

*Адабиёт ва санъат нақадар қудратли кучга эга. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланяпмизми? Ёки улуг адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфляпмизми? Бугун*

*биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин?” [2].*

Маданиятнинг эстетик потенциали конкрет тарихий ва ижтимоий тенденциялари ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий ташкилоти кишиларнинг турмуш тарзи билан мураккаб уйғунлигини ташкил қилувчи объектив ва субъектив омиллар билан боғлангандир.

Эстетик фаолият нисбий мустақил характерга эга бўлса-да, маданиятнинг объектив характери унинг эстетик потенциалининг кенгайишига таъсир кўрсатади, янги эстетик кашфиётлар учун асос яратади.

Ҳозирги замон муаммолари – бу, эстетик ғояларнинг шаклланиши ва ривожланишининг проекцияларидир. Антик замон ва Уйғонишнинг юксалиш даври маданиятнинг эстетик потенциал, айна пайтда, ўзаро бир-бирига ўхшаш шарт-шароитларда шаклланган. Уйғониш маданиятининг эстетик потенциали бир қадар кенгроқ ижтимоий асослар натижасида шаклланади, дунёқарашнинг мураккаб ва ривожланган шаклида юзага келди. Унинг ўша давр ижтимоий ҳаракатида фаол қатнашувчи турли табақалар ижтимоий ижоди таъминланади. Европанинг жуда кўп мамлакатларида маданиятнинг миллий негизлари қарор топди. Эстетик фаолият мураккаблашди ва ранг-баранг тус олди, бу, унинг тузилиш жиҳатидан турличалигини кўрсатади. Санъатнинг ранг-баранг турлари ва жанрлари пайдо бўлди, уларнинг баъзилари эса кейинчалик маънавий ҳаётда мустаҳкам ўрин олди.

Уйғонишнинг эстетик потенциали кўпроқ субъектив омил – даврнинг гуманистик ғояларини амалий гавдалантирадиган, маданий тараққиётга ахлоқий ва интеллектуал асос солувчи файласуфлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, рассом ва шоирларнинг юксак хатти-ҳаракати натижаси эди.

Ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқалар ва жамият ижтимоий структурасида юз берган жиддий ўзгаришлар натижаси ўлароқ юзага келган гуманистик дунёқараш ва янги ижтимоий муносабатлар инсоннинг янги типини ҳам шакллангандир. Максвеллнинг “Ҳукмдор”, Мирондола, Валла ва бошқаларнинг трактатларида унинг ранг-баранг ижтимоий эҳтиёжлари ўз аксини топади. Улар янги инсон типини сиёсий,

ахлоқий, эстетик ва, ҳатто, жисмоний қарама-қарши ёндашувлар, турли нуқтаи назарлардан қараб чиқадиларки, бу нарса мазкур ғояларнинг драматик тақдиридан далолат беради.

Уйғониш айна пайтда янги санъаткорлар типларини ҳам шакллантирди, улар эркин санъаткор, тадқиқотчи ва нозик кузатувчи, санъаткор-аналитик ва мутафаккирлар қиёфасида фаолият кўрсатадилар. Леонардо да Винчи, Веронезе, Бруно, Дюрер, Сервантес, Рабле каби кўплаб алломалар назарида санъаткор эркин ижодкор, ижтимоий аҳамиятга эга шахс сифатида тавсиф этилди. Уйғониш даври санъаткорларининг ҳаётга гуманистик, эстетик муносабатлари, айниқса, бадиий амалиётда ўз ифодасини топади, айна бадиий амалиётда янги турмуш тарзини тасдиқловчи нисбий мустақил соҳани ташкил қилади.

Европада санъат тараққиётининг ижтимоий ҳаётни диний таъсирлардан халос этиш жараёни бевосита янги жанрларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бадиий жараёнда қуйидаги қонуниятлар кўзга ташланди: ижтимоий ҳаётнинг маданият ривожини учун шароит юзага келган пайтда муайян жанр фаол ривож топади. Бу қонуният Уйғонишнинг ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ҳаёт мазмуни ўзгаришини ифодаловчи тасвирий санъат, портрет, батал рангасвир, натюрморт каби бир қатор жанрлари бирданига ривож топганлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Ижтимоий амалиётда эстетик муносабатлар ёрдамчи роль ўйновчи бошқа шакллардан фарқли ўлароқ, санъатнинг ўзига хос хусусиятини эстетик ифодавийликни тўлақонли акс эттириш ташкил қилади. Санъат ғоя ва образларнинг айрим ижодий ва эвристик “қўри”ни вужудга келтирадики, ундан инсон ўз ижодий қобилиятларини ривожлантириб, чексиз даражада мадад олиши мумкин. Негаки, инсоннинг, авваламбор, ижтимоий ҳаёт, умуман, оламга нисбатан янгича қарашларини гавдалантира

олувчи асарларгина санъат тарихидан муносиб ўрин олиши мумкин. Бинобарин, асарларни ижодий жиҳатдан танлаб олиш мезонлари маданият генофондида асосий роль ўйнайди, бу нарса маданиятнинг бошқа соҳаларига санъат таъсирини ҳам белгиловчи омил ҳисобланади.

Ижодий изланишларнинг мавжуд тузум билан бундай зиддиятлари инсоният маданияти тараққиётининг диалектикаси саналади. Олимлар, ёзувчилар, рассомлар, файласуфлар ва, умуман, ижодкор кишилар ижоднинг воқелик билан зиддиятини инсониятнинг ақлий ва маънавий юксалиши билан боғлиқ барча соҳаларда, курашчиларнинг ҳолатнинг у ёки бу шаклида илгари сурадилар. Кураш эса одатда йўқотишлар, афсус-надоматлар ва бошқа синовлар билан боғланган бўлади. Мабодо, ижод билан ҳақиқий ҳаёт ўртасида бу зиддиятлар амал қилмаса, инсоният маданияти юксалишдан тўхтаб қолиши мумкин” [3.139]. Халқимиз тарихи бу қонуниятни тўла исботлайди.

Умуман, маданиятда потенциал суръатнинг ортиши – жамият ижтимоий ҳаётини соғломлаштиришга қаратилган муҳим йўналиш ҳисобланади. Унинг эстетик салоҳиятни ривож топтирмай туриб амалга ошириш мумкин эмас, демак, ижтимоий онгни қайта қуриш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, меҳнатга нисбатан чуқур ўзгаришлар, ўз савиясини ошириш, ҳаётнинг гуманистик қадриятларига нисбатан камчиликларга йўл қўйиш мумкин. Эстетик меъёрлар, тасаввур ва муносабатлар ахлоқий ва ижтимоий ҳаётни бевосита поклантириш мақсадларига хизмат қилади, ижодий муҳитни, кишиларда тафаккур маданиятини оширишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, маданиятнинг эстетик потенциали ижтимоий амалиётнинг ижодий мазмуни суръати ва теранлигини белгилайди, турмуш тарзининг сифат жиҳатдан шаклланишига асос бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. –Т., 2017
2. Қозоқов О. Тасвирий санъат оқимлари. – Т.: “Шарқ”, 2008.
3. Кедров Ф. Капица: жизнь и открытия. – М., 1979.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
5. Боров Ю.Б. Эстетика.– М.: Политиздат, 1988.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).